O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 15-mart, chorshanba, 11 (341)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

САХИФАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЁМОННИНГ КУЧИ... АЁЛГА ЕТМАСИН!

Ахир жанжалдаги жаҳолатли овозлар, турли ҳақорат ва хўрлашлар, қонли муштлашувлар, айрим ҳолларда онасининг отаси томонидан таҳқирланиши, калтак азобларида инграшининг гувоҳи бўлган болаларга бу «манзаралар» қандай таъсир қилишини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

3-бет

ОНА МЕҲРИ

Эй одам, агар мўмин бўлсанг, ота-онангни рози қил, дўзах оловидан халос бўлгайсан!

4-бет

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

Бугунги ахборот технологиялари ривожланиб бораётган бир вақтда газета, журналлар фаолиятини интернетсиз тасаввур этиб бўлмайди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида "Интернетда партия журналистикаси" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Х.Мирзажонова, Марказий кенгаш девони ходимлари ва фаоллари иштирок этишди.

***

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан Нукус шаҳрида Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган тадбир ўтказилди. Шунингдек, аёллар ўртасида спортни ривожлантириш мақсадида "Спорт ва аёллар" шиори остида волейбол спорт турнири ҳам ташкиллаштирилди.

***

Бухоро вилояти Ромитан тумани Боғитуркон маҳалласида партиянинг туман кенгаши томонидан «Парранда гриппига қарши кураш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Йиғилишда касалликка қарши кураш чоралари ҳақида сўз борди.

***

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти кенгаши томонидан М.Тошмуҳамедов номли драма театрида "Жаннат — оналар оёғи остида" номли байрам тадбири ўтказилди.

***

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Шайҳонтохур туман кенгаши ташаббуси билан 40-сонли мактабда "Миллий меросимизни ёшлар онгига сингдириш" мавзуида адабий анжуман ўтказилди. Тадбир йиғилганларда катта тассурот қолдирди.

***

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан Беруний туманидаги 7-сонли мактабда "Баҳор гўзаллари" мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

***

Партиянинг Тошкент шаҳар Юнусобод туман кенгаши ташаббуси билан "Чинобод" сиҳатгоҳида "Қизлар давраси" номли байрам тадбири ўтказилди. Тадбирда Марказий кенгаш фаоллари, туман кенгаши аъзолари иштирок этишди.

***

Сурхондарё вилояти ҳокимиятида партиянинг вилоят кенгаши томонидан сиёсий партияларнинг бугунги фаолият йўналишлари мавзуига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Тадбирда сиёсий партиялар олдидаги муаммолар муҳокама этилди.

***

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Косон туман кенгаши томонидан "Хотин-қизларнинг сиёсий партиялардаги ўрни ва роли" мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда хотин-қизларнинг бугунги демократик ислоҳотлар жараёнида фаол бўлиши зарурлиги таъкидланди.

***

Партиянинг Тошкент вилояти Пскент туман кенгаши ташаббуси билан "Тозалик – соғлик гарови" мавзуида ободонлаштириш тадбири ўтказилди.

***

ЎзМТДП Тошкент вилояти Бўка туман кенгаши ташаббуси билан "Аёл омон бўлса, юрт обод" мавзуида байрам тадбири ўтказилди.

***

Бухоро вилояти Когон туманида партиянинг туман кенгаши томонидан "Балли, қизлар" кўрик-танлови ўтказилди.

***

Партиянинг Тошкент шаҳар Яккасарой туман кенгаши томонидан "Аёл ва миллий қадриятлар" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

***

ЎзМТДП Бухоро вилояти Жондор туман кенгаши томонидан Мирзаён маҳалла фуқаролар йиғинида "Аёл билан олам мунаввар" мавзуида тадбир ўтказилди.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Пскент туманида ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда бугунги кунда партиянинг бошланғич ташкилотлари ролини кучайтириш, маҳаллий ҳокимият депутатлари билан алоқаларни кенгайтириш, партия сафларида аёллар иштирокини кучайтириш ва аъзолар сонини кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан «Устоз — отангдек улуғ» мавзуида устоз ва шогирд анъаналарини тиклаш ҳаракати кенг қулоч ёзмоқда. ЎзМТДП Пскент тумани кенгаши раиси Абдунаби Сиддиқов шу мавзуда тадбир ўтказиш таклифи билан чиқди.

Йиғилишда ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарифа Салимова қатнашди ва сўзга чиқди.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

ЎзМТДП Бухоро тумани кенгаши раиси Омон Зарипов ташаббуси билан хайрия тадбири ўтказилди.

Галаосиё интернат-спорт мактабининг 14 нафар ўқувчиларига спорт кийимлари тақдим этилди.

Ўқувчиларга совғаларни саховатли тадбиркор Мансур Узоқов топширди.

Ўз мухбиримиз

Деҳқон ер билан тирик. Кўклам келиши билан бободеҳқону боғбонларимизнинг иши ҳам кўпайиб қолди. Энди уларни қидирсангиз, даладан топасиз.

Ўрта чирчиқлик Бектурган Абилхаиров 45 йилдан буён қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб келаётир. У пахтачилик ва ғаллачиликда етарлича иш тажрибасига эга. Билганларини ёшларга ўргатсам, ҳалол меҳнат билан яшаш, тупроқ билан тиллашиш сирларини уларга кўрсатсам, дейди.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

«МТ»га хат

ТАКЛИФИМ БОР...

Ҳар қандай миллатда, ҳар қандай инсоннинг қалбида миллий руҳ бўлиши керак. Миллатнинг азалий қадриятларини унутмаслиги, ўзлигига содиқ қолиши унинг бахтидир. Миллий тикланиш бу ўзликни билмоқ, ўзининг ким эканлигини, аждодлари қолдирган мероснинг бебаҳо эканлигини англамоқдир.

«Миллий тикланиш» деган номнинг ўзиёқ дилингизда аллақандай илиқлик пайдо қилади. Унинг таъсирчанлигини юрагида Ватанга меҳр-муҳаббати бор ҳар бир инсон қалби билан ҳис қилади, назаримда. «Миллий тикланиш» газетасининг муштарийлари қаторида газетанинг мазмунмундарижаси бойиб бораётганидан мамнунман. Шундай бўлсада, анчадан буён мени ўйлантираётган мулоҳазаларим, таклифларим ҳам бор.

Газета саҳифаларида давлатимизнинг мустақилликка эришиш йўлида давр қурбони бўлган миллий қаҳрамонларимиз ҳақида кўпроқ ёзилса, деган ниятда эдим. Бу газетанинг номига муносиб иш бўларди. Бугунги кунда юртимизда юз бераётган иқтисодий ислоҳотларга ўз муносабатини билдириб, чин маънода замона қаҳрамонига айланиб бораётган деҳқон-фермерлар, ишбилармону тадбиркорлар, чорвадорлар, қайси соҳада бўлмасин, фидойилик билан ишлаётган инсонлар ҳақида очерк ва лавҳалар бериб борилса, газета атрофидаги аудитория ҳам анча кенгайган бўларди. Бундан ташқари, бир ўйлаб кўрилса, республикамиздаги ҳар қайси туманда шу туманнинг кўзгуси бўлган матбуот нашрлари мавжуд. Ана шу газета таҳририятлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилса, қизиқарли ва долзарб мазулардаги мақолалар "Миллий тикланиш" юзини кўрса, деган таклифим ҳам бор. «Миллий тикланиш»чилар сафи ҳам янада кенгайиб боришига ишонаман.

Раҳим ИБРОҲИМОВ,
Самарқанд вилояти
Нарпай тумани

УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ!

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамкорлигида мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишланган «Улуғимсан, Ватаним» шиори остида китоб байрами бўлиб ўтди. Бу маърифий тадбирда шаҳримиздаги ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, раҳбарлари, журнал ва газеталар муҳаррирлари, матбуот ходимлари, талаба-ёшлар иштирок этдилар.

Бўлиб ўтган давра суҳбатида сўзга чиққан «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Зоир Исожонов, Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон ҳамда бошқаларнинг нутқларида, шеърий чиқишларида китоб, бадиий адабиётнинг талаба-ёшлар илм-фан чўққиларини эгаллашларида ҳамда уларнинг комил инсон бўлиб вояга етишларидаги аҳамияти, қадриятларимизни сақлаш, тиклаш, руёбга чиқаришдаги ўрнига эътибор қаратдилар.

Тадбирда ташкил қилинган китоблар, газеталар кўргазмаси ижодкор талаба-ёшларнинг чиқишлари, талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказининг ёш санъаткорлари томонидан ижро этилган қўшиқ ва рақслар байрамга файз киритди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,
Тошкент Давлат техника университети доценти

МЕҲР ҚОЛУР — МУҲАББАТ ҚОЛУР

Бу фоний дунёда инсондан қилган яхши амаллари, савоб, эзгу ишлари қолади. Орамизда шундай одамлар борки, улар инсоний меҳримизга мушток, илиқ сўзларимизга, ташрифимизга интиқ.

Ангрен шаҳрини нурчилар (энергетиклар) шаҳри деб аташади. Қураматоғ тизмаларига туташ, Фарғона водийсига олиб борувчи Қамчиқ довонига жуда яқин бу маскан ўзининг кўркамлиги, баҳаволиги, меҳнаткаш халқи билан эътиборга сазовордир.

Шаҳарнинг Абу Али ибн Сино даҳасидаги 34-сон мактаб-интернати жойлашган 4 қаватли замонавий бинода 218 нафар болалар таълим-тарбия олишмоқда. Бу даргоҳга 1992 йилдан буён I даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби, ажойиб мураббий Абдуҳамид Қаюмов раҳбарлик қилиб келмоқда.

Биз бу масканга етиб келганимизда тарбиячилар ва тарбияланувчилар меҳмонларни кутиб олиш учун аллақачон тараддуд кўриб қўйишган экан. Улар бизни мўъжазгина залга бошлашди. Байрамона безатилган саҳна. Саҳна пештоқига тадбир номи ёзилган — «Меҳр — инсон қалбида». Ёш мураббий бизларни мактаб-интернат тарбияланувчиларига таништириб ўтди. Шундан сўнг болажонлар тайёрлаган концерт номерларига навбат берилди. Ўзбек ва рус тилларидаги шеърларни меҳр билан ўқиётган болажонлар ҳаяжонига шерик бўлдик. Шеърлар шодон қўшиқларга, қўшиқлар завқли рақсларга уланиб кетди. Дилтортар мусиқалар садоси ёш чолғучилар ва уларнинг устозлари ҳамроҳлигида янгради. Қрим-татар мусиқаси янграб, қизлар ва йигитлардан иборат юқори синф ўқувчилари гуруҳи саҳнани тўлдирди. Саҳна кўринишларини томоша қилиб шунинг гувоҳи бўлдик-ки, устозлар ҳам, болажонлар ҳам бу тадбирга алоҳида жўшқинлик билан тайёргарлик кўришибди.

Шундан сўнг ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши раиси ўринбосари Ободҳон Курбонова мактаб-интернат устозлари, тарбияланувчилари ва барча йиғилганларни табриклаб, интернат жамоасига мусиқали марказни топширди.

Меҳмонлар спорт залига «Қувноқ стартлар» мусобақасини томоша қилишга таклиф этилдилар. Ўша кунги барча тадбирлар кўнгилдагидек ўтди.

Мактаб-интернатдан узоқлашар эканмиз, бу масканга ҳомийлик қилувчиларга раҳматлар айтгимиз келди. Улар ҳамиша бу маскандан меҳру мурувватларини аямас, тарбияланувчиларнинг ярим кўнгилларини кўтариш ишларида доимо бошқош эканлар. Бу мурувват, саховатпешаларнинг эзгу ишлари мактаб-интернат болажонларининг кўнгилларида умид уйғотиб, келажакка ишонч туйғуларини мустаҳкамласа ажаб эмас.

Насиба ОЧИЛОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси

КИМ НИМА ДЕДИ?

Мулоқот майдонларимиз фақатгина тадбирлардаги чиқиш эмас, матбуотдаги айтган сўзимиз ҳамдир.

Олимжон ДЎСМАТОВ,
Жиззах вилояти

Аччиқ бўлса ҳам тўғри сўз яхши. Мактабда синфдан ташқари ишлар, турли тадбирлар, лаборатория машғулотлари қоғозлардагина ўтилмоқда. Компьютерни ўрганиш эса болаларнинг ширин орзуси.

Каттақўрғон туманидаги 6-умутаълим мактабида 1011 нафар ўқувчи таълим олади. Тажрибали устоз Неъмат Ризаев раҳбарлигидаги касбига содиқ ўқитувчилар шароит жиддий даражада оғир бўлишига қарамасдан сидқидилдан ишлашмоқда. Таълим масканида эришилаётган ютуқлар фикримизнинг далили бўла олади. Бугунги мулоҳазаларимиз эса бу ҳақда эмас, эслаб ўтганимиз — билим ўчоғидаги баъзи муаммолар хусусида. Даставвал...

ТУЯ ГЎШТИ ЕГАН ҚУРИЛИШ

Даставвал, мактаб биноси бундан 40 йил муқаддам 320 ўқувчига мўлжалланиб, хом ғиштдан қурилганлигини эсласак, масаланинг моҳияти нимада эканини англаймиз. 1983 йилга келиб яна 160 ўқувчига мўлжалланган қўшимча бино қурилган. Айни пайтда, аслида синф хонаси бўлишга яроқсиз хоналар билан қўшиб ҳисоблаганда 480 ўқувчига етгулик жой бор. Ўқувчилар сони эса, эслатиб ўтганимиздек, минг нафардан зиёд. Машғулотлар тўлиқ икки сменада олиб борилишига қарамай, 40-50 ўқувчи жойсиз қолмоқда.

Аҳволни аниқ тасаввур қилиб кўришингиз учун айрим мисолларни айтиб ўтиш кифоя. Аввало, мактабнинг 4«б»-синф хонасидаги аҳволга тўхталсак. «Синф» деб номланаётган хонага каридордан, жилла бўлмаса айвондан эмас, тўғри ташқаридан кирилади. Хонага сиздан аввал ёмғир ёки қор бош суқади. Эни 3, узунлиги 5 метрлар келадиган пастқам, қоронғу хонада 30 нафар бола, ўқитувчи ҳам нафас олятпи. Ҳаво етишмайди, қиш кунларида эшикни очиб қўйилик дейишса, ичкарига изғирин ҳувиллайди. Бу хонанинг ёнидаги худди шундай хонада 10 «а»-синфи ўқувчилари биология фанидан дарс ўтишаётган экан. Ўқитувчиси Жамила Тожиева хонада 29 нафар ўқувчи борлигини айтди.

— Лаборатория машғулотларини ўтиш учун хона йўқ, бир амаллаяпмиз, — деди у ўзини айбдор сезиб.

— Ўқувчилардан кимлар, қайси фан тўгаракларига қатнашмоқда? — деб сўрадик муаллимадан. Болалар ҳайрон қолишди. Уларни ноқулай вазиятдан директор Неъмат Ризаев олиб чиқди: «Хона етишмаслиги, машғулотлар эрталабдан кеч соат 6 гача давом этгани учун тўгараклар фаолиятини йўлга қўйишнинг имкони бўлмаяпти».

Ўқувчилардан яна сўраймиз: «Мабодо, шароит яратилиб қолса, кимлар, қайси тўгаракка қатнашар эди?». Ҳамма қўл кўтарди.

— Мен Шодиев Шоҳжаҳонман, мусиқа тўгарагига қатнашиб, рубоб чалишни, ашула айтишни ўрганар эдим.

— Мен Акмалман, синфдошим Шоҳжаҳон билан бирга ашула айтишни истардим.

Ражабова Иродаман, Наргиза иккаламиз она тили, адабиётнинг сир-асрорларини чуқурроқ ўрганишни орзу қиламиз...

Хўш, билимга чанқоқ ўқувчи болажонларнинг орзулари амалга ошишига нималар монеълик қилмоқда? Нега узоқ йиллардан буён синф хоналари етишмаслиги муаммоси ҳал этилмаяпти? Нима учун Тарнов, Абдал, Жавлон қишлоқларидан бир гуруҳ отаоналар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ишчи ходимлар мактаб биноси билан боғлиқ масаланинг ҳал этилишида ёрдам сўраб юқори ташкилотларга илтимосномалар йўллашмоқда?!

«Жавлон» ва «Тарнов» маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари Мирзо Омонов, Озод Каримовлар ва яна фахрийлар, отаоналардан 40 нафари имзо чеккан, мактаб директори Н.Ризаев «Миллий тикланиш» газетаси таҳририятига ёрдам сўраб мурожаат этган қўлимиздаги хатнинг мазмуни қуйидагича:

«Худудимизда 844 ўринли янги, замонавий лойиҳадаги мактаб биноси қурилиши 1991 йилнинг октябр ойида бошланган эди. Уни 180-механизациялашган кўчма колонна ишчилари 1998 йилгача «судрашди», сабаби, иқтисодий таъминотда узилишлар бўлиб турди ва ниҳоят таъминот батамом тўхтади. Нега? Буниси бизга қоронғу. Бу орада мактаб қурилишини давом эттириш масаласи неча бор туман ҳокимлиги, юқори идораларга илтимос билан етказилди. 2005 йилда яна ишга киришилди. Қаҳҳоров Умар МЧЖ қурувчилари мактабнинг тикланиши билан боғлиқ ишларни 75-80 фоизга етказди. Қарангки, 20-25 фоизгина юмуш қолганида қурилиш яна тақа-тақ тўхтади. 5-6 ойда 312 миллон сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарган иккинчи жамоа ҳам кўч-кўронини елкалаб кетишга мажбур бўлди. Сабаби, яна аввалгидек — маблағ йўқ. Умар Қаҳҳоровга «Сиз ишни бошлайверинг, маблағини биз топиб берамиз»,— деган «катта ака»лар ортига бир бор қайрилиб боқмадилар. Синишга оз қолган корхона қурувчилари эса ҳалигача сарф-харажатларни қаердан қоплашни билолмай овора. Хуллас, шунақа гаплар. Мактаб қурилиши гоҳ умумтаълим мактаблари қурилиши дастурига киритилиб, гоҳ чиқарилиб турилганлиги ана шундай оқсашликларга сабаб бўлмоқда. Аҳвол шу ҳолда қолаверса, келгуси ўқув йилида эски мактабда учинчи, яъни тунги сменада ҳам машғулотлар олиб борилишига тўғри келади. Бизга ёрдам зарур.»

Қурилиши якунланмай қолган, туя гўштини кўпроқ еб қўйган мактаб биносини кўздан кечирар эканмиз, чиндан ҳам асосий ишлар якунланиб қолганлигига амин бўлдик. Ўқув корпуслари битган. Эшик, ромларгача ўрнатилган, ойналар ҳам қурилган, иситиш тармоғи тўлиқ битказилиб, синовдан ўтказилган. Бинонинг усти шиферланган. Ҳатто, дарвозахоналар тикланиб, қоровулхоналаргача битказилган. Иккала бино оралиғидаги каридор, ошхона, спорт зали эса чала қолган. Темир бетон қурилмалар ҳам етарли миқдорда олиб келинган. Озроқ ишт керак, холос. Қолганини меҳнат билан амалга оширса бўлади. Мактаб жамоаси ҳашар билан бажариладиган юмушларда ёрдамга тайёр, маҳаллалар аҳли ҳам. Гап қурилишга сарфланган 320 миллион сўмнинг топилиб, қарздорликни ёпилишида ва эндиги ишлар учун зарур бўладиган маблағнинг топилишида. Шунга эришилса, айни муддао бўлар эди. Йўқса, амалга оширилган шунча иш, қилинган сарф-харажатлар аста-секин елга соврилиши ҳеч гап эмас.

Шунга эътибор берилиши лозимки, туман халқ таълими бўлими раҳбарияти, маҳаллалар фаоллари, қишлоқ аҳли, ўқитувчилар жамоаси мактаблари учун ташвиш чекишмоқда, болалари тақдирига бефарқ эмасликларини билдиришмоқда. Улар ҳеч кимни ёмонлашмаяпти, ҳеч кимнинг устидан шикоят қилишмаяпти, тегишли идоралардан ёрдам сўрашяпти, холос, ёрдам!

Биз эса Каттақўрғон туманидаги 6-умумтаълим мактабининг жорий йилда ҳомийлар ёрдами билан бўлса ҳам ишга тушишига, янги ўқув йилининг биринчи қўнғироғи замонавий типдаги икки қаватли муҳташам бинода чалинишига жуда-жуда ишонгимиз келади.

Ўктам КУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» махсус мухбири

Миллий тиклаиш — миллат келажаги
MILLIY TIKLANISH

Яқинда Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги Филиалида бу сафар юбилей тусига эга бўлган анъанавий Плеханов ўқишлари бўлиб ўтди. Юбилей ўқишлари деб номлашнинг сабаби шунда эдики, бу ўқув муассасаси Ўзбекистон ҳудудида мутахассислар тайёрлай бошлаганига бу йил ўн йил тўлди. Ўқишларда қатнашган Россия Федерациясининг энг кўзга кўринган ва нуфузли олимлари орасида академиянинг ректори академик Виталий Иванович Видяпин ҳам бор эди. Бугун у Ўзбекистоннинг олий таълим тизими, мамлакатимиздаги интеллектуал салоҳият даражаси ҳақидаги таассуротларини ўртоқлашмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ҳозирги пайтда дунёдаги кўплаб мамлакатлар таълим тизимини ислоҳ қилмоқда, чунки таълим тизими мамлакатнинг ривожланишини, унинг салоҳияти ва қудратини белгилайди. Азалий стратегик шеригимиз бўлмиш Ўзбекистон ушбу соҳани ўзгартиришнинг кўп жиҳатдан ноёб бўлган тажрибасига эга. Ўзбекистон билан Россия олий таълим муассасаларининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги хусусида гапирганда кейинги йилларда Ўзбекистоннинг таълим тизимида туб ўзгаришлар рўй берганлигини таъкидламай бўлмайди. 1997 йилдаёқ Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг ташаббуси бўйича қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаётга қандай татбиқ этиб борилаётганлиги билан танишиш ушбу ижобий тажрибадан Россияда ҳам фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида қатор муҳим хулосалар чиқариш имконини беради.

Шуниси диққатга лойиқки, бу соҳани ислоҳ қилиш узлуксизлик ҳамда таълим билан тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги каби тамойилларга мувофиқ равишда амалга оширилмоқда.

Жаҳон амалиётида талайгина таълим моделлари бор, лекин ёшларни юксак даражада билимга эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, хар томонлама камолга етган шахслар қилиб тарбиялашга қаратилган ушбу Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўхшайдигани йўқ.

Ота-оналар ва мутахассислар учун болаларни тарбиялаб, ривожлантириш ва мактабга тайёрлашга мўлжалланган, «Учинчи минг йиллик фарзанди» махсус дастури ишлаб чиқилган. Уни амалга ошириш жараёнида фарзанднинг соғлом ўсиб ривожланиши, унинг бундан кейинги узлуксиз таълимга тайёрланиши таъминланади.

Ўзбекистонда, шунингдек, мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004 — 2009 йилларга мўлжалланган Давлат умуммиллий Дастури қабул қилинган. Унда янги мактаблар қурилиши, таълим муассасаларининг замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозланиши, мактабларнинг моддий-техникавий негизи мустаҳкамланиши, ўқитувчиларнинг қайта тайёрланиши ва улар меҳнатининг рағбатлантирилиши, болалар спорти ривожлантирилиши каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу Дастурни бажариш учун давлат бюджетининг 30 фоизидан кўпроғи ажратилган.

1997 йилдан эътиборан Ўзбекистонда 12 йиллик ўқитишга аста-секин ўтиб борилмоқда.

Ўзбекистонда мактаб таълими тизимини молиялаш тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш лозим. 2006 йилнинг 1 январидан эътиборан меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими ўқитувчиларнинг иш ҳақларини 1,4 баравар ошириш имконини берди. Махсус директор фонди ташкил қилиниши ташаббуси ҳам ниҳоятда қизиқарлидир, ушбу фонднинг маблағларидан илғор педагогик технологияларни жорий этадиган ўқитувчиларни рағбатлантириб бориш мумкин.

Кадрлар тайёрлашда ҳар бир минтақанинг ўзига хос жуғрофий ва демографик шарт-шароитлари, мутахассисларга бўлган эҳтиёжлари ва меҳнат бозоридаги талаб ҳисобга олинади.

Бизнингча, Ўзбекистонда Россия ҳам ўрганса бўладиган тажрибалар бор. Чунончи, Тошкентдаги талабаларнинг «Ёшлик» деб номланган шаҳарчаси олий ва касб-ҳунар таълими тизимини ривожлантиришнинг қизиқарли мисолидир. Ушбу ноёб мажмуани бориб кўриш менга насиб этди, у ерда 20 дан кўп миллатга мансуб 40 мингдан ортиқ киши ўқимоқда, шу жумладан, тахминан 32 минг талаба олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларида таҳсил кўрмоқда. Бундан ташқари, бу ерда 39 та талабалар уйида республиканинг турли минтақалари ва қўшни давлатлардан келган 8700 га яқин талаба истиқомат қилмоқда. Бунинг устига, назаримда, турли олий таълим муассасаларида ўқийдиган талабалар гавжум шароитда яшашларининг ўзиёқ ғоят ижобий ҳолдир. Бу эса уларнинг доимий мулоқотда бўлишларини, шахсий муносабатлар боғлашларини таъминлайди, бу инсон фаолиятининг турли соҳаларига тааллуқли бўлган билимларни ёшлар кенгроқ, айтиш мумкинки, ҳар томонлама ўзлаштириб боришларига кўмаклашади. Шуниси ҳам муҳимки, республиканинг турли минтақалари ва қўшни мамлакатлардан келиб ўқиётган талабалар бир-бирлари билан мулоқотда бўлиб, ҳозирдаёқ шундай дўстлик муносабатларини шакллантирмоқдаларки, бу муносабатлар кейинчалик илмий алоқаларга айланади.

Г.В.Плеханов номидаги Иқтисодиёт академиямиз ҳам Ўзбекистон учун мутахассислар тайёрлаш ишига ўзининг камтарона ҳиссасини қўшаётганлиги Россия олий мактаби ва иқтисодий илм-фанининг намояндаси бўлмиш мени қувонтирмоқда.

Ўн йил мобайнида аввалига Ўқув-илмий маркази, кейин эса Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги Филиали фаолият олиб бориши натижасида 900 дан кўп битирувчи тайёрланди, улар ҳозирги пайтда Ўзбекистондагина эмас, балки дунёдаги бошқа мамлакатларда ҳам ишламоқдалар.

Филиал раҳбари академик Қ.Абдураҳмонов академиямизнинг битирувчисидир. Ушбу истеъдодли олим таълим беришнинг янги усуллари ва шаклларини топиш йўлида доимий равишда изланмоқда. У ажойиб ҳамфикрлар жамоасини тўплай олди, улар қисқа фурсат ичида Филиални таълим соҳасидаги энг яхши стандартлар даражасига етказа олдилар. Умуман шуни айтмоқчиманки, ҳозирги кунда Филиал таълим ва илм-фан, маданият ва ёшлар тарбиясининг мукаммал марказига айланди. Ўзбекистон ҳукуматининг раҳбарлари билан учрашиш пайтида академия Филиалини янада ривожлантириш хусусидаги таклифлар айтилди. Биринчидан, Г.В.Плеханов номидаги РИА Тошкент шаҳри Филиалининг каттагина ижобий тажрибасини эътиборга олиб, унинг асосида Марказий Осиё мамлакатлари учун иқтисодиёт соҳасининг юксак малакали мутахассисларини тайёрлаш Марказини ташкил этса бўлади, деб ҳисоблайман. Тошкент Филиали талабаларни юксак даражада ўқитиб бора олишини, унда ўқув жараёнини ташкил этиш учун замонавий инфратузилма ташкил қилинганлигини, Филиалнинг ўзи эришган тажрибаси, яхши тайёргарликка эга бўлган ва етук илмий-педагогик салоҳияти, ривожланган интеграциявий алоқалари мавжудлигини ҳисобга олиб, ушбу Филиал бутун Марказий Осиёда кадрларга бўлган эҳтиёжни эътиборга олган ҳолда кенгайтирилиши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, Тошкент Филиали негизида иқтисодиёт, менежмент соҳасининг барча даражаларидаги раҳбарларни, шунингдек, ушбу йўналишлар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибини қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш Марказини ташкил қилишни таклиф этаман. Олий таълим муассасасидан кейинги таълим муаммоси бутун дунёда ниҳоятда кескин бўлиб турибди. Фан-техника тараққиёти ва жамият ахборотлашиши шиддат билан юксалиб бораётганлиги, ахборот узатиш воситалари ва коммуникациялар кенг ривожланаётганлиги катта ёшлиларнинг таълим олишлари масаласига жаҳон жамоатчилиги эътибори кескин кучайишининг бош омиллари бўлиб қолмоқда.

Учинчидан, ҳозирги пайтда таълимга йўналтириладиган инвестициялар дунёдаги барча инвестицияларнинг энг муҳимларидир. Россия ва Ўзбекистон етакчи мутахассислари ва бадавлат кишиларининг олий таълимга пул сарфлай олишлари учун уларнинг эътиборларини жалб этмоқчимиз. Давлат эса таълимни молиялаш борасида хусусий капитал билан тенг ҳуқуқий шериклик учун имкониятлар ярата бориши лозим.

Бундай имконият бор. Плеханов номидаги иқтисодиёт академияси тажриба бошлади: РИАни хусусий капитал ҳисобидан молиялаш тўғрисида йирик компаниялардан бири билан шартлашиб олди. Бу хусусийлаштириш эмас, балки давлатнинг бизнес билан турли схемалар бўйича амалга ошиб бориши мумкин бўлган шериклигидир. Айтайлик, академиянинг қиймати 100 млн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланган. Давлат ўз мулкининг бир қисмини сотаётгани йўқ, у олий таълим муассасасини ривожлантиришга хусусий капиталнинг яна 100 млн. доллар миқдоридаги инвестицияларини жалб этмоқда.

Ва ниҳоят, хусусий бизнесни таълим соҳасига жалб этиш учун таълим маҳсулотини диверсификациялаш, уни капитал сарфлаш учун жозибалига айлантириш зарур. Бу йўналишда Академияда бошқарув, бизнес ва тадбиркорлик соҳасида ишга жойлашиш жиҳатидан яхши истиқболли бўладиган бутун бир қатор мутахассислар тайёрлаш дастури ишлаб чиқилган. Бу, аввало, иқтисодий ҳуқуқшунослик бўйича мутахассислар тайёрлашни кўзда тутадиган дастурдир. Бизнес масалаларини ҳал қилиш учун иқтисодий ҳуқуқ борасида чуқур касбий билимлар зарур. Шу сабабли биз ушбу ихтисосдаги мутахассисларни тайёрлай бошладик. Ҳозирги пайтда бир йўла иккита ихтисос бўйича пухта тайёргарлиги бўлган мутахассисларга меҳнат бозорида талаб-эҳтиёж катта.

Гуманитар аёллар институти (факультети) ташкил қилиш борасидаги тажрибамиз ҳам қизиқарли бўлиши мумкин. Г.В.Плеханов номидаги РИАнинг ушбу тузилмавий бўлинмаси иқтисодчи ва халқаро муносабатлар соҳасидаги референт каби ҳозирги шароитдаги алоҳида нуфузли касбларни эгаллашга кўмаклашади. Бу институт қобилиятли қизларнинг замонавий олий

иқтисодий ва кенг гуманитар таълимга эга бўлишлари, ҳар томонлама маданийшунослик билимлари билан уйғун тарзда иккита чет тилини эгаллашлари каби ноёб имкониятни беради.

Олий таълим муассасалари таълими соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг афзалликлари мутлақо аён. Корпоратив ҳамкорликдан кенгроқ фойдаланилса, миллий таълим тизимлари прогрессив ва барқарор ривожланиши муваффақиятлироқ боради.

Виталий ВИДЯПИН,
Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг ректори

("Труд", 2006 йил 4 март; 38-сон)

НАВОИЙ АСРИДАН КЕЛГАН АЛЛОМА

Камина талабалик йилларимда улуғ аллома Азизхон Қаюмовнинг номларини кўп эшитгандим. Аълам ул-уламо Воҳид Абдуллаев у кишининг исм-шарифларини катта ҳурмат билан тилга олар ва талабаларга адабиёт илмининг нуктадони саналмиш муҳтарам олимнинг илмий мақолаларини, китобларини ўқишни тавсия қилар эдилар.

Билишимча, ўтган асрнинг ўртасида адабиёт бўйича Азизхон Қаюмов забардаст олим ва мутафаккир адиб Иззат Султондан кейинги фан доктори, учинчиси эса Воҳид Абдуллаев эдилар. Уч буюк олимнинг асарлари бизга дарслик ва қўлланма эди.

Тошкентга келганимга 5-6 йил бўлган эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур қисмати ҳақидаги «Кун ва тун» достонини ёзиб, баъзи бўлаклари матбуотда эълон қилинган пайтлар. Шоир дўстим келиб, сизни домла Азизхон Қаюмов йўқлаяптилар, деди. Унинг айтишича, домла «Совет Ўзбекистони» газетасида бу достонимдан босилган бир бобни ўқиган эканлар. Истиҳола қилиб улуғ аллома ҳузурига боришга тортиндим.

1970 йилда ёшлар нашриётида ишлаган пайтимда «Ажойиб кишилар ҳаёти» рукни остида Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида китоб чоп этишни режалаштирдим. Шу тариқа аллома Азизхон Қаюмов билан биринчи марта учрашдим. Таклифимни домла бажонидил қабул қилдилар. Орадан бир-икки йил ўтар-ўтмас «Алишер Навоий» номли китоб ёшлар нашриётида кўп минг нусхада босилиб чиқди. Бу асар улуғ шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ёшларга мўлжалланган биринчи китоб эди. Бир нусхасини домла дастхат билан менга туҳфа қилдилар. Унда ўта камтарлик билан: «Сиз мени Алишер Навоий дунёсига бошлаб кирдингиз», — деб ёзилган экан. Ўқиб, ўзим уялиб кетдим. Наҳотки, улуғ аллома шу қадар хокисор бўлсалар!

Мана, домла қарийб қирқ йилдирки, улуғ аллома Алишер Навоийнинг муқаддас меросини ўрганиш ва уни халқимизга, айниқса, навқирон наслларга етказишдек савобли иш билан банд!

1970 йилларнинг охирларида катта тайёргарликдан сўнг Алишер Навоий ҳақидаги достонларимни ёзишга киришдим. «Шукуҳли карвон», «Нотинч Хуросон», «Сокин Хуросон», «Қонли Хуросон» достонлари «Навоийнома» чоркитоби деб аталади. Ушбу асарларни қўлёзма ҳолида биринчи бўлиб ўқиган, каминага тўғри йўл-йўриқ кўрсатган ҳам улуғ устозим Азизхон Қаюмовдир. Достонларни ўқиш жараёнида баъзи мисраларни таҳрир қилган, лозим бўлса, баъзи байтларни асар ҳошиясига ёзиб қўйган киши ҳам домла бўладилар. «Навоийнома»нинг яратилишида улуғ алломанинг кўрсатган меҳрибонликлари умрбод ёдимдан чиқмайди, миннатдорлик билан эслайман.

Оқибатда Хожа Аҳрор Валий ҳазратлари ҳақидаги «Ҳайрат ул-Аҳрор» («Аҳрор ҳайратлари») ёзилгач, «Янги Хамса» дунёга келди. Аслида мени «Хамса» ёзишга ундаган ҳам Домладир. «Янги Хамса» ҳақида Домла бир неча мақолалар ёздилар, «ХХ аср Хамсаси» рисоласини чоп эттирдилар. Бу Устознинг ўз шогирдига бўлган меҳру муҳаббатининг олий намунасидир. Бундай меҳрибонлик каминага Жомий ва Навоийнинг садоқатли дўстлигини эслатди. Улуғ устозга қуллуқ қиламан, мингдан-минг раҳмат! Бу қарзни хайрли кунларда узарман, деган умидим бор.

Навоий ижодини яхши билган етук олимлардан бири, домла Азизхон Қаюмовни Тангри таоло ўз паноҳида асрасин!

Улуғ устоз, аълам ул-уламо Азизхон Қаюмов табаррук 80 ёшга кирган улуғ айёмда «Ҳидоятнома» номли бўлажак китобимдан баъзи рубоийларни туҳфа қилишни лозим кўрдим. Пири бадавлат Устози аъзам, улуғ ёшингиз муборак бўлсин. Аҳли замон ичра Сиздай покиза, донишманд, хокисор, меҳрибон кишилар кўпайсин, иншооллоҳ!

Устозга

***

Устоз Азиз Қайюм — буюк Аллома,
Замона аҳлига ёзибди нома.
Дебдики: «Қадрланг қалам аҳлини,
Қўлидан тушмасин Ҳақ берган хома».

***

Аллома ҳаёти — Ибрат мактаби,
Ўзига зўр эди Устоз матлаби.
Билдики, дил амрин қилганда адо:
Энг баланд тахт экан Илм мансаби.

***

Хоксорлик боғига боғбон, Азизий,
Илм карвонига сарбон, Азизий.
Саксон ёшга кирмиш мулки маъмурда,
Аълам ул-уламо, комрон, Азизий!

***

Меҳр булоғидан кимки баҳраманд,
Ҳаётда ўзини санар аржуманд.
Мусоҳиб бўлганлар зўр ҳавас билан
Ижод гулшанига боқар орзуманд

***

Ўттиз беш йилдирки, Аллома билан
Мусоҳиб бўлибман — суҳбат шўху шаён.
Навоий мактаби сабоғин олиб,
Элда устоз-шогирд туздик анжуман!

***

Ойбек менга устоди аълам,
Миртемир-ку пири мукаррам.
Уйғун, Яшин қилди дуолар,
Азиз Қайюм — қиблаи олам!

***

Сўз қасрининг хос меъмори Азизий,
Наққоши-ю ҳам заркори Азизий.
Мартабаси бўлсин яна ҳам баланд,
Ўзбек халқин ифтихори Азизий!

***

Аллома — кишилик тожидаги дур,
Ўзи ҳам, Сўзи ҳам улусга манзур.
Олиму шоирлик ёр бўлмиш, не бахт,
Аҳли замон ичра машҳурдан машҳур!

***

Рубоийлар битдим Устоз шаънига,
Аҳли жаҳон ичра мумтоз шаънига.
Навоий давридан бизнинг замонга
Келиб қолган Суханпардоз шаънига.

***

Улуғ устоз, қутлуғ бўлсин саксон ёшингиз,
Юз ёшда ҳам омон бўлсин азиз бошингиз.
Илм аҳли ичра азизлардан азизсиз,
Сиз билан фахр этар дўсту қардошингиз!

Барот БОЙҚОБИЛОВ, Ўзбекистон халқ шоири



Устоз Азиз Қаюмов

БУГУНГИ КУНИМИЗ — ЭРТАГА ТАРИХ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент шаҳридаги «Қурилиш ва миллий ҳунармандчилиқ касб-ҳунар коллежи» ҳамкорлигида истеъдодли ёш мусаввир Тоҳир Шоймуродовнинг «Бугунги кунимиз — эртага тарих» номли кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазма залларида мусаввирнинг кейинги 10 йил давомида тасвирий санъатнинг турли жанрлари бўйича ва унинг ривожи, турли поғоналаридаги асарларидан 43 таси ўрин олган бўлиб, уларда республикамиз табиатининг манзаралари миллий қадриятларимизнинг давомийлиги тасвирланган. Бир неча натюрмортларида ҳам миллийликни кўрамиз.

Кўргазма залларидан жой олган «Оқсаройда байрам», «Пойқадам-жойбобо» асари ҳамда Наврўзи оламга бағишланган «Қизқувди» ва бошқа қатор асарларида қадриятларимиз, миллий меросимиз тасвирланган. Бу асарларда изчил меҳнат, изланишларнинг натижаларини кўрамиз. Масалан, «Оқсаройда байрам» асари 8 йил давомида манбаларни ўрганиш натижасидир.

Кўргазма залида ташкил этилган суҳбатда сўзга чиққан «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимининг биринчи ўринбосари Самижон Ҳикматов, «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Олимжон Худойназаров, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон санъат арбоби Ортиқали Қозоқов, ТДТУ «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича 1-проректориМузаффар Ортиқов, шаҳримиздаги «Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи» директори Ҳасан Йўлдошев, мусаввир Ҳайдар Санаев ва бошқалар фикр-мулоҳазаларини билдириб, қадриятларимиз, миллий меросимиз тасвирланган, мулоҳазаларга етаклайдиган асарларга эътиборни қаратдилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,
Тошкент Давлат техника университети доценти

«МТ»га хат

ТАРБИЯГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят ходимлари!

"Миллий тиклаиш" газетасининг шу йил 4 январ сонида чоп этилган "Йўқолган калитни топайлик" номли мақолани ўқиб, кўнглимдан ўтказиб юрган мавзу ҳақида фикр юритилганлигидан хурсанд бўлдим.

Бола тарбиясига масъулият билан ёндошиш миллатимизга хос эзгу қадрият. Шунинг учун бу мавзу жуда долзарб. Афлотун айтганидек: "Фарзандларимизни бизнинг замон эмас, келаси замон фарзанди қилиб тарбияламоқ зарур".

Мақоладаги фикрларга юз фоиз қўшилган ҳолда, фарзанд тарбиясига эътиборсиз қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деб ўйлайман. Инсон ўз шахсий манфаатини устун қўйган ҳолда эришган муваффақиятлари давомли бўлмайди. Қандай қилиб бўлса ҳам пул топиш йўлини ахтараётган баъзи кимсаларни инсонлар тақдири умуман қизиқтирмай қўйган. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ҳар бир соҳада масъулиятсизлик, қалбакилик ишни орқага суради.

Болаларнинг кун тартибини тўғри ташкил қилиб, меъёрида назорат қилиб турсак, уларга сирдош тутинсак, тарбияда адашмаймиз. Тўғри, болаларда мустақил яшашга иштиёқ қучлилиги туфайли уларни доимо назорат қила олмаймиз. Менга "Бизда 18 ёшга тўлмаганларга сигарета сотилмайди" каби рекламалар ёқарди. Интернет-кафеларга ҳам болаларнинг 15 ёшдан кичикларини киритмаслик керакдир, балки?..

Муҳтарам ота-оналар ҳам болалар билан шуғулланишга сериаллардан вақт орттира олсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Бундай дейишимнинг сабаби, кўпчилик оилаларда вояга етмаган фарзандлари билан сериалларни бемалол кўриб ўтиришганининг гувоҳи бўлганман. Сериалларнинг аҳволи эса ўзингизга маълум. Баъзи телеканаллардаги клипларни кўриб, қизларимизга ичим ачиб кетади. Наҳот шу қизлар ўзбек бўлишса?! Лекин мен бу билан ҳамма клип, кўшиқ, сериаллар бачкана демоқчи эмасман.

Фарзандларимиз эртанги кунимиз эгалари, умримиз давомчилари экан, уларнинг бугунига биз масъулмиз. Тараққиёт ғилдираги айланаверар экан, жамиятдаги яхши-ёмон томонлар бирдай ривожланади. Фарзандларимизга бугун биз яхши томонини ўргатсак, эртага улар жамиятнинг яхши эгалари бўлишади.

Маърифат МЕЛИЕВА,
Тошкент шаҳри

Халқимизда «Ёмоннинг кучи япалоққа етибди», деган мақол бор. Маъноси: Нодон, жоҳил, ёвуз кимсалар ожиз, қаршилик кўрсатолмайдиган кишилар, яъни аёллар, болалар, қариялар, ногиронларга нисбатан зўравонлик қилишади. Бу эса маънавий-ахлоқий жиҳатдан энг тубан қилмиш, қонун нуқтаи назаридан оғир жиноятдир.

Ёмоннинг кучи... АЁЛГА ЕТМАСИН!

«Халқаро амнистия» ташкилотидан олинган маълумотга қараганда, ҳар йили дунё миқёсида 120 миллион нафар хотин-қизлар шафқатсиз равишда калтаклашларга мубтало бўлар экан. Минг афсуски, бизнинг кундалик турмушимизда ҳам бундай воқеалар учраб турибди.

Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судига келиб тушган шафқатсизлик оқибатида содир этилаётган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг таҳлилига қизиқиб кўрдик. Афсуски, оилавий жанжаллар деярли ҳар куни учраб туради. Гоҳида бундай можаролар ёмон оқибатлар билан тугаяпти. Жиноят ва маъмурий ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, соғликка қарши жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг кўпчилиги эр-хотин, қўни-қўшнилар ўртасида содир этиляпти. Шаҳар судига ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси тартибидаги жиноят ишлари бўйича 100 нафар шахсга нисбатан 90 та жиноят ишлари келиб тушган. Шундан 40 нафар шахсга нисбатан 38 та жиноят ишларига ҳукм чиқарилган, 59 нафар шахсга нисбатан 51 та жиноят ишлари ярашув муносабатига асосан тугатилган. Тугатилган маъмурий ишларнинг аксарияти эр-хотин ўртасидаги жанжаллар бўлиб, ишни тугатишга уларнинг ярашиб кетганлиги асос бўлган.

«Эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши» дейишади. Бироқ...

Шу ўринда мавзуга оид бир воқеани тилга олиб ўтиш ўринли, назаримда. Урганчлик У.Худайберганов спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолда икки нафар вояга етмаган фарзандларининг кўз олдида турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб, уни олдин мушти, кейин болға билан урган, тан жароҳатлари етказган. Энг ачинарлиси ва ажабланарлиси шуки, эртасига у «шайтон суви»нинг исканжасидан қутулиб, ўзига келгач, уйида хотини ва болалари йўқлигини, полдаги қон изларини кўриб, қандай воқеа юз берганини қўшнисидан сўраб билган. Яхшиямки, қўни-қўшнилар ўртасида меҳр-оқибат бор экан. Жабрланувчи М.Мадаминованинг қўшниси шовқин-суронни эшитиб, ўз вақтида ёрдамга келган ва аёлнинг қариндошларига хабар қилган. Яна бир мисол, урганчлик Ю.Матёқубов, А.Одамбоев, Р.Ражабов, Р.Саидов, И.Қурбоновлар ҳам турмуш ўртоғини ургани учун жиноий жавобгарликка тортилиб, тегишли жазони олганлар. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Чунки 67 та жиноят ишининг 31 тасида жабрланувчилар хотин-қизларни ташкил қилади. 18 та жиноят иши эса аёллар ўз эрлари томонидан аёвсиз калтакланиб, хўрлангани тўғрисида.

Ҳаётда ана шундай шафқатсизликларга дуч келганингизда юрагингиз оғрийди. «Бу хил жоҳил ва шафқатсиз айбдорларга қандай чоралар кўрилмоқда?» деган савол туғилиши табиий. Худди шундай саволлар билан Урганч шаҳар суди раиси Гулчеҳра Кулимовага мурожаат қилдик.

— Оилада зўравонлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи судьяларнинг асосий вазифаси шундай ҳаракатларни содир қилган шахсларни жавобгарликка тортиб, тегишли таъсир чораларини қўллаш, қонунбузардан жабрланувчилар ҳуқуқларини қайта тиклашни талаб қилишдир,— деди у суҳбатимиз чоғида.— Бундай шахсларга нисбатан қўлланилган қаттиқ ва изчил чоралар оиладаги зўравонлик «оилавий иш»гина эмас, балки жиноят эканлиги ҳақидаги муҳим ғояни жамоатчиликка етказилишига ҳам қаратилиши керак. Оилада аёлларга нисбатан ишлатиладиган зўравонлик ҳақидаги ишларга шундай жазо тайинлаш керакки, токи бу жиноятчини жавобгарликни ҳис этишга мажбур қилиши ва келгусида унинг хулқ-атворини ўзгартиришга қодир бўлиши керак. Агар ёхуд қотил ва марҳумга қаратишади. Аммо шу воқеанинг яна бир жабрланувчилари — болалар ҳаммамизнинг назаримиздан четда қолиб кетмоқда. Қадамба-қадам, изма-из орқамиздан эргашиб келаётган болажонларимиз тақдири ҳақида ўйлаш фурсати етмадимикин? Ахир жанжалдаги жаҳолатли овозлар, турли ҳақорат ва хўрлашлар, қонли муштлашувлар, айрим ҳолларда онасининг отаси томонидан таҳқирланиши, калтак азоблари инграшининг гувоҳи бўлган болаларга бу «манзаралар» қандай таъсир қилишини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Эр-хотин ўртасидаги уруш-жанжалдан кейин қўрқувдан даг-даг титраётган болажоннинг митти юрагида қандай туйғулар бор, унинг хаёлидан нималар ўтяпти? Бу ҳақда ҳамма вақт ҳам ўйлаб кўрмаймиз. Бундай пайтда болажонлар ўз жони, шафқатсиз калтаклашлардан сўнг хавф остида қолган онасининг ҳаёти учун қайғура бошлайди, қўрқиб, ваҳимага тушади. Келажакда шундай муҳитда тарбия топган бола соппа-соғ, ҳурфикр инсон бўлиб вояга етади, деб ким кафолат бера олади? Ана шундай оилавий нотинчлик оқибатида болаларнинг қалбида тарбия бобида суянчиқ бўлиши керак бўлган ота-онасига нисбатан ишонч, улар билан ўзини хавфсиз ҳис қилиш, улар билан фахрланиш туйғулари сўнмайдими? Шундай воқеаларга дуч келган ҳар қандай кишининг дили вайрон бўлиши табиий.

Баъзан юқорида айтиб ўтганимиздек бир неча марта зўравонликларга учраган бўлса-да, оиласи, фарзандларини «кўзи қиймай», ажрим ҳақида ҳам ўйламай, андиша қилиб яшайверади аёлларимиз. Миллий қадриятларимизни қаттиқ ҳурмат қилиш, андиша ҳисси аёлларимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Зўравонликка учраган аёлларнинг нима бўлганда ҳам оилани бузмасликка қарор қилишларига асосий сабаб болалари ҳисобланади. Жабрланган аёлларнинг кўпчилиги оиласи билан қолишининг сабаби болалари эканлигини ёки бошқа омиллар — қўрқув, иқтисодий қарамлик, ўз айбини тан олиш ва қариндошларининг, жамоатчиликнинг мадади етарли эмаслиги тўғрисида кўрсатма берадилар. Кўпчилик ҳолларда эса ярашиб кетган оилаларда ҳам кейинги турмуш тинч бўлиб кетяпти, дейиш мушкул. Бир умр уруш-жанжал ва таҳқирлашлар гирдобида қолган аёллар шу ҳаётга кўникиб яшайверадилар. Лекин бундан кимга фойда-ю, кимга зарар?!

Афсуски, кўпчилик ота-оналар болаларни зўравонлик вазиятини тушунмайди, деб ҳисоблашади. Лекин оилада жанжал бўлгандан кейин болаларингизнинг кайфиятини, руҳиятини бир кузатиб кўринг-а. Уларнинг руҳий ҳолатидаги ўзгаришни, ўзини тутишини, кўзларидаги ғамни сезасиз, албатта. Отасининг зўравонлигидан онасини ҳимоя қилолмаган ўғил болаларда буюмларни бузиш, мактабда ёмон хулқли бўлиш, одамлар билан ёқалашиш истаги пайдо бўлади. Гоҳида эса тушкун кайфиятда бўлиб, одамлардан қочади, ҳеч ким билан дўст бўлмай, ёлғиз қолиб кетади. Бундай болаларнинг кайфиятида ўзига ишончсизлик, яхши-ёмонни фарқлай олмаслик, инсоний соф туйғулардан узоқлашиш кечинмалари ҳукмрон бўлади.

Хўш, оиладаги зўравонликнинг асосий сабаблари нимада? Халқимизда «қуш уясида кўрганини қилади», деган яхши бир мақол бор. Таълим-тарбия жараёни шундай муҳим босқичларга эгаки, оилада доимо соғлом муҳитни қарор топтирмоқ учун астойдил ҳаракат қилмоқ зарур. Оналарни эъзозлаш сингари туйғулар фарзандларимизга болалигидан сингдирилмоғи керак.

— Кузатувларимиздан оилада зўравонлик ҳаракатларига кўпчилик ҳолларда спиртли ичимлик ичиш ёки гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш сабаб бўлиши маълум бўлмоқда,— дейди суҳбатдошимиз.— Шу билан бирга айтишим лозимки, бундай шахслар спиртли ичимлик ичиш ёки гиёҳвандликка қарши даволаниш курсини ўтташга муҳтождирлар. Яна бир муаммо, афсуски, аёлларнинг аксарияти ўзларининг юридик ва ижтимоий ҳуқуқларини билмайдилар. Гоҳида жабрланувчилар судда жиноятчини, яъни турмуш ўртоғини ҳимоя қилиб, ўзларини айбдор кўрсатсалар, гоҳида эрлари томонидан таҳқирланишга чидай олмаган аёлларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини кузатамиз. Хазорасп шаҳрининг 10 ойлик ўғилчасини тириклайин ёқиб юборган, жиноий жавобгарликка тортилиш воқеасини эслайлик. Бундай даҳшатли воқеанинг келиб чиқишига асосий сабабчи бўлган, хотинига нисбатан раҳмсиз муомала қилиб, унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиб келган, оиласини моддий томондан таъминламасдан, хотинини қўлида норасида гўдаги билан кўчага ҳайдаб солган эр жавобгарликдан қутулиб қолди. Чунки амалдаги қонунчиликда унга нисбатан жавобгарлик назарда тутилмаган. Аммо собиқ эр хазон бўлган дилбанди олдидаги масъулиятни унутгани учун бир умр виждон азобида бўлса, ажабмас. Эркаклар билан ишлаш учун жамоат ташкилотларининг фаолликларини ҳар қачонгидан ҳам оширмоқ керак.

Тўлиқ маънодаги меҳр-муҳаббат, ўзаро оқибат, шафқат қуршовида ўсиб-улғаяётган болажонларимиз келгусида зўравонлик иллатидан узоқда бўлишларига ишонамиз. Биз болаларимизга оиланинг муқаддас, Ватаннинг ҳар бир қарич ери табаррук эканлигини, инсонлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат муқаррар эканлигини тушунтириб беришга эринмаслигимиз зарур. Ахир уларнинг саодатли кунларини кўришдан зиёд бахт борми ота-она учун.

Дилбар БЕКЖОНОВА

«Адолат қиличи адолатсиз кимсалар қўлида бўлмаслиги керак», — деган эди ўз ўгитларида соҳибқирон Амир Темур бобомиз. Мана шунга ўхшаш ҳикматли, пурмаъно ўгитларни Президентимиз Ислом Каримов ҳам доимо эслатиб туриши биз деҳқонларга ҳамиша руҳий қувват бағишлайди. Юртимизда бўлаётган катта-катта ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларининг авж олганлиги, фуқароларга берилган эркинликлар, эркинликнинг олий ифодаси бўлмиш адолатли қонунларимизнинг устуворлиги мени ва менга ўхшаган барча юртдошларимизни ҳаётдан мамнун эканлигимизга кафолатдир.

ҲАҚИҚАТ ЭГИЛАДИ, АММО...

Аммо гуруч ичидан курмак чиққанидек, ҳаётимизда ҳам камчиликлар учраб туради. Ёшим отмишдан ошиб, ота-боболари чорикор ўтган, бир парча ерига эгалик қилиш орзусида яшаган, аммо армонда ўтганларнинг фарзанди, яъни менга мустақиллик ер олиш ва унга эгалик қилиш ҳуқуқини берди. Оилам билан ўзимиз бир умр меҳнат қилиб келган Овшар қишлоғида (Хазорасп тумани) «Ражаб дарға» фермер хўжалигини ташкил этдик. Ишларимиз авж олиб, яхши ҳосил олгач, янада имкониятларимиз кенгайди. Бизнинг «Эркин» ширкат хўжалиги фермерлар уюшмасига айлантирила бошлагач, қўшимча ер олиш учун тендерда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдим. Тендерда ғолиб чиққач, туман ҳокими томонидан 2005 йил 16 май куни реестр рақами 1904-сонли гувоҳнома олдик. Аммо мана шу гувоҳномани олгунга қадар ва олгандан сўнг ҳам туманимиз ҳокими бизни жуда сарсон қилди. Танловда мағлуб бўлган «Полвон пир» паррандачилик фермер хўжалиги раҳбари Ш.Қурязовнинг турли идораларга ёзган мактуб ва аризалари ишнинг белига тепди, деб ўйлайман.

Адолат қидириб Хоразм вилоят адлия бошқармасига хат ёздик. Энг ёмони, бу идорадан бир-бирини инкор этувчи тақдимномалар туман ҳокимига юборилди. Уларнинг қайси бири тўғри деб ҳайрон қоласан, киши. Бамисоли ўйин, дейсиз. Вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари А.Аллаяровнинг Хазорасп туман ҳокими Ж.Ўтамовга 2005 йил 23 февралда жўнатган тақдимномасида «Полвон пир» фермер хўжалиги танловда ғолиб деб топилиши керак эди, дейилса, орадан 15 кун ўтиб юборган тақдимномасида «Полвон пир» фермер хўжалиги эмас, танловда олдин ғолиб чиққан «Ражаб дарға» фермер хўжалиги ғолиб деб топилди, деган хулосани билдиради. Бироқ ғишт қолипдан кўчган эди. Туман ҳокими Ж.Ўтамов адлия бошқармасининг биринчи хатига асосан бизнинг барча орзу-умидларимизни чиппакка чиқарадиган қарорни чиқарган эди. Унда тендерни бекор қилмасдан туриб, 38,2 гектар ер «Ражаб дарға»дан олиниб, «Полвон пир»га берилсин, дейилади. Бу қарордан табиийки, норизо бўлиб, судга мурожаат қилдик. Воқеаларнинг бундай ривож топишидан хабардор вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари 2005 йил 21 апрелда туман ҳокимига яна хат ёзиб, «Кўп балл тўплаган талабгорни ғолиб деб топилишини сўрайди». Тендерда ғолиб «Ражаб дарға» фермер хўжалиги бўлса-да, ҳоким томонидан қинғир йўллар билан ерни «Полвон пир»га бериш чоралари кўрилди. Ҳокимият раҳбарлари билан «Полвон пир» фермер хўжалиги ўртасида қандай «сир» бор, бизга қоронғу. Қандай йўл билан бўлмасин, ерни бизга бермаслик мақсадида гўё биз тендерда ютган ер низоли деб туман ҳокими ўринбосари Н.Турдиев бизга тегишли бўлган ерни «Эркин-Овшар» ММТП ихтиёрига берди. ММТП раҳбари эса ҳокимият йўлига юриб, бу ерни «Полвон пир» фермер хўжалиги раҳбари Ш.Қурязовга вақтинча ижарага берди. Барча ер билан боғлиқ шартномалар «Ражаб дарға» билан тузилгани инобатга олинмади ҳам. Аслида бу «ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳарбоб билан», дейилгани эди. Мен хўжалик судига мурожаат қилдим. Хўжалик судида иш кўрилиб, «Ражаб дарға» фермер хўжалигининг ҳуқуқлари тикланди. Суднинг қарори билан туман ҳокими қарори бекор қилинди. Амалда эса қарор бекор қилинмади. Хўжалик судининг қарори бажарилмади. Ўз навбатида «Полвон пир» фермер хўжалиги ҳам хўжалик судига аппеляция тарзида даъво аризаси киритди. Хоразм вилоят хўжалик судининг 2006 йил 8 февралда чиқарган ҳал қилувчи қарорида «Полвон пир» хўжалигининг даъволари асоссизлиги эътироф этилиб, қарор қабул қилинди. Туман ҳокимияти ҳамон бу қарорга ҳам панжа остидан қараб келаётир. Қандай йўл билан бўлса-да, ерни тортиб олиш мақсадини яширмаяпти.

Ер майдонлари «Ражаб дарға» фермер хўжалигимизга берилгани ҳақидаги ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилган. «Ражаб дарға» фермер хўжалигимизга ер майдони ажратилгани тўғрисидаги туман ҳокимининг қарори ер участкаларини бериш масаласини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси томонидан тасдиқланган. Вилоят ҳокимининг 2005 йил 10 мартдаги ер участкаси ажратиш ҳақидаги қарори ҳам бор. Шунга қарамай, туман ҳокими Ж.Ўтамов фермер хўжалигимиз билан ер ижара шартномасини тасдиқлаб беришни пайсалга солаётир.

Юқори идораларга Хазорасп тумани ҳокимининг қароридан норози бўлиб ёзган шикоят хатларимни юборсам, улар эса текшириб, чора кўриш учун хатларимни шу туман ҳокимига жўнатганига ҳайрон қолиб ўтирибман. Дардимни кимга айтишни билмай идорама-идора сарсон-саргардон бўлиб юрибман. Турли-туман тазйиқларга дучор бўлаётирман.

Ҳақиқатнинг эгилишига, аммо синмаслигига ишонаман.

Қўшназар РАЖАБОВ,
Хоразм вилояти Хазорасп тумани, «Ражаб дарға» фермер хўжалиги раҳбари

Мулоҳаза

"АМАЛЛАШ" ҚАЧОНГАЧА?

Метрода кетаётиб, ёнимдаги икки талаба қизнинг суҳбати қулоғимга чалинди. Маълум бўлишича, медицина билим юртида ўқишаркан. Қизлардан бири норози оҳангда:

— Анави "найнов" кеча яна савол-жавоб қилмасдан хонасидан чиқариб юборди, — деди.

— Бу сафар қанча сўраяпти, — сўради иккинчиси.

— Ҳар қалай, ўтган сафаргидан кўпроқ бўлса керак, билмадим. Амаллаб баҳоларимни қўйдириб олсам, дарсига кирмасдим ҳам. Уйимдагиларнинг жонига тегдим, ўзиям. Ойим: "Ўқишга киргазишга фалон пул сарфладик, энди ўзингни ўзинг эпласанг бўлмайдими?" — дейдилар. Жавоб берсак ҳам баҳо қўйишмаса, нима қилайлик?

Ҳа, бундай ҳолатларни кўп учратамиз, лекин негадир ҳеч ким индамайди, худди табиий ҳолдек. Менимча, ўша талаба қизлар устозни "найнов" деб атаб, дарсига кирмаслик чораларини излаяптими, айбни кимдан ахтаришни бир ўйлаб кўрайлик. "Амаллаб" баҳо, "амаллаб" диплом олиш кўпчилик талабаларнинг "дастур"и бўлиб қолган. Кинога, концертга кетган вақтни домлага "пул билан" тўлашга ўтиб олишган.

Шундай талабалар борки, ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам, маданий ҳордиқ масалаларида ҳам барчага ўрнак. Бундай талабалар "амаллаш" ҳақида ўйлаб ҳам ўтиришмайди. Қайси домла шундай талабадан таъма қила олади? Талабалар борки, домлалари совға олмаса, ҳатто хафа бўлиб юришади. Таъма ҳақида гап кетганда, айрим ўқитувчиларнинг бундай қусурдан холи эмаслигини айтиб ўтмоқчиман. Ўқитувчилик олижаноб ва шарафли касб, аммо баъзи устозлар бу касбни пул топиш манбаига айлантириб олишмоқда.

Булар менинг шахсий мулоҳазаларим. Бугунги кун талабадан яхши ўқишни, устоздан яхши сабоқни талаб қилади. Ҳар бир амалимизнинг эртанги жавобига тайёр турсак, қусурларимиз ўз-ўзидан йўқолиб бораверади.

Барно САИДОВА, талаба

Севги саргузаштлари

МАКРИИ Ё ҲАББАТ?

Ҳабиб ТЕМИРОВ

8. ҚАЙДАСАН, АБДУВАЛИ?

Меҳри билан хайрлашиб, ишхонамга қайтдим. Йўл-йўлакай Абдувалининг Меҳри билан учрашмаганидан ҳайратланиб келдим. Демак... унинг мақсади бошқа экан-да. Дўстим дегани «Уста» бўлиб чиқди. Аммо-лекин «уста» қандай ўлган? Нега ўлади? Меҳри нега бирдан айтмади? Меҳри чиндан ҳам чиройли. Боя уни кузги хиёбонда кўрган заҳоти атиргул ҳақидаги гапларимни яна эсладим. Тоғда, арчазор ўрмон бағрида ҳам кўрган эдим, ўша қирмизи атиргулни. Арчалар қиёфасидаги безавол яшиллик бағрида лахча чўғдек ёниб турар эди у. Меҳри ҳам шундай. У билан учрашувларимиз асосан ёз охири, куз, қиш чоғларига тўғри келади. Бироқ ҳар гал кўрганимда бирдек яшнаб, ёниб турган бўлади. Шунча ташвиш, шунча ғам-андуҳ унинг бетакрор чиройига асло соя сололмаган. Нега шундай? Дарвоқе, мен нега нуқул унинг чиройи, зоҳирий қиёфаси ҳақида гапираётирман. Ахир ташқи гўзалликни сақлаш учун аёлда ички, ботиний бир замин ҳам бўлмоғи зарур эмасми? Нега мен Меҳрининг иродаси, қатъияти ҳақида муфассалроқ мулоҳаза юритмаётирман? Унинг ёш бўлса-да совуққон, мулоҳазалари чуқур, босиқ аёл эканини нега эътироф этмаётирман? «Уста»нинг ўлими ҳақида шунчаки, суҳбат сўнгида, бехосдан эсига тушиб гапирдими? Ёки атайлаб гап орасида айтдими? Агар «Уста» ўлган бўлса нега мен эшитмадим?.. Майли, Абдувалига қўнғироқ қилиб, бир йўла сўраб оларман.

Рақамни тердим. Абдували эмас, бошқа бир йигит жавоб берди.

— Абдувалини мумкинми?

— У киши ҳозир йўқ...

— Қачон бўлади?

— Билмадим. Сиз... кимсиз? Ўзингизни таништиринг!

Таништирдим.

— Абдували ака меҳнат таътилида.

— Ие, сафарда эди-ку. Қачон қайтди.

— Аниқ бир гап айтолмайман. Сафар тугагандан сўнг таътилга чиққан, шекилли, — деди йигит энсаси қотиброқ.

— Майли, раҳмат, — деб гўшакни қўйдим. Ён дафтаримда Абдувалининг уй телефони ҳам бор эди. Ўша рақамни тердим. Аёл киши жавоб берди. У ҳам Абдувалининг меҳнат таътилида эканини, пойтахт яқинидаги дам олиш уйларидан бирида ҳордиқ чиқараётганини айтди. «Қайси санаторийда эканини билмайман», — деди.

— Ўша жойнинг телефонини айтмаганми? Мен ўртоғимàн. Бир ишим бор эди.

— Дам олиш уйининг телефонини айтганлари йўқ. Ўзлари ҳар замон қўнғироқ қилиб туришибди.

— Хўп, майли, раҳмат...

Абдували пишиқ йигитда. Ҳеч ким халақит бермасин, деб манзилини ҳам, телефон рақамини ҳам ҳеч кимга айтмасликни тайинлаган. Майли, дам олсин. Лекин... Агар уни ҳозир топиб, Меҳри учрашувга таклиф этаётганини айтсам, тайин етиб келган бўлади.

Уйга қайтишдан олдин «Матбуот уйи» яқинидаги «Ижодкор» қаҳвахонасига кириб, бир финжон қаҳва буюрдим. Бу жой ҳар оқшом қалам аҳли вакиллари билан гавжум. Кимдир менга ўхшаб қаҳва ичади. Кимдир пиво, яна кимдир улфати билан «яримта»ни майдалайди. Етти иқлим янгиликларидан шу ерда боҳабар бўлиш мумкин.

Бурчакдаги столларнинг бирида Хондамир Бакир сигарета тутатиб, пиво шимириб ўтирган экан. Қаҳвани олиб, унинг ёнига ўтирдим. Бироз суҳбатлашдик. Мен Абдувалининг у ҳақдаги гапларини эсладим.

— Сиз Абдувалини танийсиз-а? — деб қолди худди фикримни ўқиётгандек қутилмаганда Хондамир.

— Таниганда қандоқ, — дедим, — дўстим бўлади.

Хондамир менга ҳайрон бўлиб қаради. Кейин оғзини қулоғимга яқин олиб келиб, шивирлади:

— Эшитдингизми?

— Нимани?

— Унинг тўсатдан ғойиб бўлганини?

— Йўғ-е, меҳнат таътилида-ку, — дедим беихтиёр.

— Қўйсангиз-чи! Маъшуқаси билан хорижга қочворибди-ю хотин-бола-чақасини ташлаб.

— Ие, маъшуқаси ким экан?

— Ўша ўзингиз оқлаб ёзган Ҳукмнинг хотини Меҳри-да! Нима, сиз Меҳрини яхши билмайсизми?

— Йўқ. Мен... Абдувалини яхши танийман, холос. Лекин қочганини сиздан эшитиб турибман.

— Қочган! Аллақачонлар қочворган! Айтишларича, ўша маккор аёлнинг хорижда катта сармояси бор экан.

— Сармояси бўлса... Нега қочишади? Қочмай, тўғриликча кетаверишса бўлмайдими?

— Э-э, қизиқмисиз, тўғриликча қандай кетади? Аввало хотини, бола-чақаси қўядими? Кейин... Абдували «Уста»нинг ўлдирилишига алоқадор эмиш... Ҳаа... «Уста»нинг ўлганини эшитгандирсиз?

— Шошманг, «Уста» хорижда ўлган-ку?

— Ҳамма гап шунда-да! Ўша ёққа бориб қотил ёллашган...

Хондамир анча тортган шекилли, гапининг давоми унча қовушмади. Мен қаҳвамни ичдим-да, у билан хайрлашиб, чиқиб кетдим. Йўл-йўлакай Бакирнинг гаплари таъсирида ҳайрат ва хавотир оғушида карахт бўлиб, ўй суриб келдим. Наҳотки шу рост бўлса? Воқеаларнинг бунақа тус олиши мумкинлиги етти ухлаб тушимга кирмаган. Ажабо, Меҳри нима дейди-ю, Хондамир нима фикрда? Ё Хондамир муболаға қилдими? Қизиқ. Меҳри... Абдувалининг йўқолганидан хабардорми? Хабардор бўлса, нега менга уни излатиб юрибди? Атайлабми? Мени лақиллатмоқчими? Нима мақсадда? Ўзини... гуноҳсиз қилиб кўрсатиш учунми? Бунинг унга нима кераги бор? Агар у айбдор бўлса... хориждан қайтиб келишини қандай тушунмоқ керак? Юраверса бўлмасмиди яшириниб? Йўқ! Меҳри... Абдувалининг ғойиб бўлишига алоқадор эмас. Агар шундай бўлса... бу ўйинда ҳеч қанақа маъно, мантиқ йўқ. Дарвоқе, суҳбатимиз охирида «Уста»нинг ўлими ҳақидаги гапни очгани-чи? Хондамирнинг гаплари мастлик туфайли туғилган маҳобатли тахминми?

Миям ғовлаб, фикрларим чалкашиб кетди... Уйга келгач, ўзимни телевизор орқали берилаётган футбол репортажига алаҳситиб, бирмунча тин олдим. Ўзбекистон Хитой билан ўйнаётган экан. Бизникилар ютишди. Ё қудратингдан! Хитойни ютди-я!..

Эртасига белгиланган вақтда хиёбондаги арғувон остига Абдували эмас, яна мен келганимни кўриб Меҳринг кўзлари ҳайрат ва... хавотирга тўлди.

— Абдували сафарда экан, — дедим мен унинг кўзларига синовчан тикилиб. — Лекин сафардан қачон қайтиши ҳали номаълум. Агар сиз... менга «Уста» ҳақида кўрганбилганларингизни очиқравшан гапириб берсангиз... Абдувалининг дарагини тезроқ топамиз!

Меҳри гапимга яхши тушунмади, шекилли, ҳайрон бўлди.

— Бунинг... Абдували акага нима алоқаси бор? Тушунмадим...

— Кейин тушунтираман. Ҳозир сиз менга ҳикоянгизнинг давомини айтиб беринг. Хўш, шундай қилиб, болангиз билан хорижга жўнаб кетдингиз. Кейин-чи? Кейин нима бўлди?

— Кейин...

Меҳри ҳикоясини бироз шошилиб, бироз ҳаяжонланиб сўзлади.

9. ИСТАМБУЛ, БЕРЛИН, ПАРИЖ...

Меҳри гўёки туш кўрар, агар ёнида ўғилчаси Ёдгор мудом: «Ая, қаранг, ая, қаранг, денгиз», — деб турмаганида чиндан ҳам бу воқеалар кўз ўнгида юз бераётганига сира-сира ишонмаган бўларди.

«Учоғимиз Истамбул шаҳрига кўнди...» деган овоз уни гўёки уйқудан уйғотди. Самолёт овози тиниб, йўловчилар «гур» этиб ташқарига интилишганда у ҳам боласининг қўлидан ушлаб эшикка йўналди. Трапдан тушар экан, «ким экан, бизни кутиб оладиган одам», деб ўйлар ва майдончадаги тумонат оломон орасидан ўзи танимаган ўша одамни ўйчан қидирар эди.

— Ассалому алайкум, Меҳри хоним, — деган такаллуфли овоз уни кутиш майдончасида беихтиёр ортига ўгирилишга мажбур этди. Рўпарасида ўрта ёшлардаги хушбичим хоним турарди. Хоним Меҳри билан қўл бериб кўришди, ўғилчасини ўпиб қўйди.

— Са-ло-ом, — деди Меҳри ҳайрат билан.

— Яхши келдингизми, қийналмадингизми? Менга Нўён афандининг топшируви билан биноан сизларни кутиб олиш ва ҳамроҳлик қилиш вазифаси юклатилган. Ҳозир машинага миниб, ателга борамиз. Исмим Латифа хоним...

(Давоми келгуси сонда)

(Боши ўтган сонларда)

Milliy tiklanish — миллат кўзгуси
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Шукрулло нафақат одамларни, балки дуторни ҳам кулдириб юборади!..

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат-лавҳа

МУҲАББАТ ОЛМАСИ

Ҳозирда таомларга лаззат бахш этувчи масалликлардан бири бўлган помидорни бир пайтлар ҳеч ким емас эди. Ўша вақтда помидорнинг таркиби бутунлай ўрганилмаган бўлиб, одамлар уни заҳарли мева деб тахмин қилишар эди. Европа мамлакатларида бу ўсимликни тувакларга ўтқазиб, хона гуллари билан бир қаторда парвариш қилганлар. Заҳарлилигига келсак, рост, помидор кўклигида, ҳали қизил тусга кирмаган вақтида унда тирозин деган модда бўлади, у ўта заҳарлидир. Кўк помидор хамаги тузланмай ейилса, бу заҳар одамга таъсир қилади.

Кўпгина манбаларда айтилишича, помидор Жанубий Америкада — Перуда тарқалган. Испания Перуни босиб олгач, помидор Европага келтирилган. XVI асрда бу ўсимлик Европанинг Ўрта денгиз ҳавзаларидаги мамлакатларда ўстирила бошлаган. Бу вақтда помидор Европанинг шимолий томонларига тарқалмаган эди. Италияда помидорни «помо-д.оро», яъни «олтин олма» деб атаганлар. Помидор 1754 йилда манзарали ўсимлик сифатида биринчи марта селекцияга киритилган.

Кейинчалик у Греция орқали Туркияга ва бу ердан 1850 йил Қримга келтирилган. Қримда уни муҳаббат олмаси, деб атаганлар. Шундан кейин кўп ўтмай у Россиянинг Жанубий туманларида экила бошлаган ва озуқа сифатида дастлаб шу ерда қўлланилган. Кейинчалик помидор ўсимлиги Россиянинг марказий ва шимолий ҳудудларига ҳам кенг тарқалган. Шу тарика помидор Ўзбекистонга малина, қулупнай, смородина, қанд лавлаги, редиска каби маҳсулотлар билан кириб келган. Бироқ ўша вақтда помидорни маҳаллий халқ емас эди. Аммо кейинроқ унинг ажойиб озуқа эканлиги маълум бўлгач, помидор асосий истеъмол маҳсулотларидан бирига айланди, унинг турли навлари пайдо бўлди. Дастлаб помидорни «падиджон», яъни «жон ато қилувчи мева» деб атар эдилар. Ҳозиргача ҳам помидорни кексаларимиз патинжон деб атайдилар.



РУСЛАН ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Германиянинг Гамбург шаҳрида ўзининг рейтинг жангларини ўтказаётган юртдошимиз Руслан Чагаев украиналик Владимир Вирчисга қарши рингга кўтарилди. Владимир ҳам Русланга ўхшаб рингда мағлубиятга учрамаган боксчилардан бири эди.

Боксчилар илк раундлардаёқ ёпиқ бокс намойиш эта бошладилар. Чунки ўйланмай қилинган ҳар бир ҳаракат мағлубиятга тенглаштириларди. Ҳамюртимиз ўзининг техник зарбаларини аста-секин намойиш этиб, рақибининг камчиликларини топа олди. Ўн икки раунд давом этган «жанг»да мухлислар очиқ боксни кутган эдилар, бироқ бундай бўлмади. Ниҳоят ҳакамлар чиқарган натижаларга кўра, Руслан Чагаев 21-жангида зафар қучди.

Эслатиб ўтамиз, Руслан профессионал боксдаги фаолиятида бирон марта мағлубиятга учрамаган. Бу ғалабасидан сўнг унинг рейтинг очкосига очко қўшилди.

ОНА МЕҲРИ

(Ривоят)

Ривоят қилишларича, Пайғамбар алайҳиссаломнинг асрида бир йигит бор эди. Маст бўлиб, онасининг юзига бир шапалоқ урди. Онаси йиғлаб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига борди ва деди:

— Ё Расулуллоҳ, ўғлим менга шундай азоб қилди!

Ўғли маст бўлиб, ухлаб қолган эди. Бирор соатдан кейин уйғониб, ўзига келди. Унга: "Мастликда онангга бундай азоб бердинг!" — дедилар. Йигит бу сўзни эшитиб, пичоқ билан ўз қўлини кесди ва бандидан жудо қилди. Бир қўлига пичоқ олиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг олдиларига борди. Онанинг назари ўғлига тушиб, кесилган қўлини кўргач, ўз оғриғини унутиб, ўғлининг оёғига йиқилди ва деди:

— Эй, жигаримнинг пораси, вой кўзимнинг равшани, қўлингни ким кесди?

Ўғли онасининг оёғига бош қўйиб:

— Эй, она, менинг қўлим сенга беодоблик қилгани учун кесдим, унинг жазоси шудир! — деди.

Онаси бу сўзни эшитиб, унга раҳми ва меҳри келиб қучоғига олди ва юзини юзига қўйиб, йиғлай бошлади.

Пайғамбар алайҳиссалом буни кўриб, хаёлга чўмдилар. Шу пайт Жаброил алайҳиссалом шундай ваҳий олиб келди:

— Ё Муҳаммад, шафқат вақтидир, сен булар учун дуо қил, мен уларнинг гуноҳидан ўтдим.

Пайғамбар алайҳиссалом йигитга:

— Қўлингни бандибандига қўй!— дедилар. Йигит қўлини банди-бандига қўйган эди, Пайғамбар алайҳиссалом дуо қилдилар. Шу онда унинг қўли асл ҳолига келди.

Эй одам, агар мўмин бўлсанг, ота-онангни рози қил, дўзах оловидан халос бўлгайсан!

АЙҒОҚЧИ АЁЛЛАР

Ватан учун айғоқчилар нималар қилмади, дейсиз? Бошқа элнинг сирини билиш учун фақат сейфларнигина эмас, кассага тушиш, тўшакка ётишга тўғри келган пайтлар ҳам бўлган. Ҳаммаси ҳисобда: келинчакларга йигитларни, чолларга оху кўзли қизларни юборишарди.

МОНРО — ВАДИМ АЛОҚАСИ

Иттифоқ айғоқчиси Вадим Вороновскийнинг «Плейбол» журналига берган суҳбати ҳамда собиқ СССР КГБ бошлиғи Шелепин ҳақидаги эсдалигидан.

«Ўта махфий: 1959 йил, АҚШ Юстас–Алексга. Бизнинг агент «Вадим» агент «Мэрлин»нинг ишончига кириб, алоқага киришади.

Мақсади: АҚШ президентининг режасини билиш. Иттифоқ айғоқчиларига Американинг гўзали ва ҳурлиқоси Мэрлин Монро ҳам хизмат қилганди. Америка президентининг жазмани билан БМТдаги Иттифоқ хизматчиси Вадим Вороновский яширинча учрашиб юрган. Вадим ҳақида сирдош дугонасидан эшитган «юлдуз»нинг ўзи ҳам у билан танишишга қарор қилган. Дугонасига шунинг ўзи етарли эди... Ёш йигитнинг Монро билан ишқий муносабатини 1959 йили Кремлда Хрушчевнинг ўзи, Микоян, Суслов, Громико ҳамда КГБнинг ўша пайтдаги бошлиғи Шелепинлар ҳам яхши билишган. Айғоқчи «Мэрлин» у пайтда президент Жон Кеннединнинг маъшуқаси эди».

ТИЛЛА ТИШЛИ РОМЕО

Иттифоқ айғоқчиси, инглиз Жон Саймондснинг ёзмаларидан.

«Ўта махфий: 1967 йил. Марокко.

Юстас-Алексга. Бизнинг агент «Ромео» Работ шаҳрида иш бошлади. Мақсад: АҚШ, Буюк Британия, Германия ҳамда Франция элчиларининг айғоқчи аёлларини тўрга тушириш. 60-йилларнинг сўнгида КГБ хизматчиларининг кўрсатмаси билан Скотланд-Ярднинг аввалги изқувари Жон Саймонд «хизматга олинди». У аввал инглиз офицерларининг сотқинлиги ҳақидаги хабарни етказди. Кейинчалик Ғарб элчилари ёш йигитдан айғоқчи аёлларнинг кўнглига йўл топишда фойдаланишди. Унга «Ромео» деган тахаллус берилди. Учрашув олдидан у 200 юз грамм виски ичиб оларди. Саймондс илгари Болгарияда махсус тайёргарликдан ўтганди. Муҳаббат жумбоқларини у ерда икки рус сулувларидан ўрганди. КГБ янги айғоқчига ўн иккита тилла тиш қўйдириб беради. Сабаби, унинг тишлари кўримсиз ва беўхшов эди. Янги тиш «Ромео»га жуда ярашади. 70-йилларнинг иккинчи ярмида КГБ хизмат мавқеини мустаҳкамлаш учун уч марта уни Иттифоққа юборади. Айтишларича, айғоқчилар бошлиғи Юрий Андропов Саймонодснинг аёлларни кўнглини олишдаги ютуқларига тан берган экан».

* * *

Дмитрий Мирошенко, 80-йиллардаги КГБ архиви бошлиғи:

«Ўта махфий: 1972 йил, СССР.

Юстас-Алексга. Марказда «Кларисса» деган код остида гуруҳ ташкил этилган. Мақсади: ишқий саргузаштлар ўрнатиб, хорижий айғоқчиларни қўлга туширишдан иборат.

«Ўта махфий: 1981 йил. ГФР.

Юстас — Алексга. Шарқий германиялик айғоқчилар билан бирга «Котибаларни қўлга олиш» операцияси бошланди. Мақсади: министрликлардаги ўрта ёшгача бўлган, турмушга чиқмаган аёл хизматчиларни тўрга тушириш».

КГБнинг Шарқий германиялик «Штави» айғоқчи ташкилот билан биргаликда олиб борган операциялари самарали бўлди. Шулардан бири «Котибаларни қўлга олиш» операцияси эди.

Бир неча чиройли ва бакувват ёш йигитларни ГФРга юбориб, «қари қиз»ларни қўлга тушириш ҳақида топшириқ берилади. Албатта, ҳаммани эмас, бошқарув органида, ГФР агентлигида ишлайдиган «қари қиз»лар бўлиши шарт эди. Иттифоқ айғоқчилари шундай қизларни домига илинтиргач, улар ҳаммасини айтиб беришган.

Ҳа, айтганча, «ишқий» ўйинлар ҳамиша қутилган натижани бермасди. КГБ кўп йиллар мобайнида АҚШ президентининг маслаҳатчиси Жимми Картерни «сотиб олиш»га қанчалик уринмасин, бефойда бўлди. Шунингдек, КГБ айғоқчилари Рим папасига қанчадан-қанча аёлларни рўпара қилишмасин, наф чиқмади.

70-йиллар бошларида раҳбарлик лавозимларига янги одамлар ишга олиниши билан ишқий муносабатлар ва айғоқчиликка ҳам талаб кучайганди. Ички айғоқчилик хизмати учун «Кларисса» номидаги гуруҳ ташкил этилди. Бу гуруҳда энг чиройли эркаклар ва аёллар ишлашган. Шунингдек, кўплаб психологлар, аналитиклар, сексопатологлар ҳам гуруҳга аъзо эдилар. Бу ерда Фрейд отанинг тажрибаси ва билими асосий рол ўйнаган. Аввал Москвадаги саёқ аёлларни тутиб, айғоқчиларга ишқий ўйинлар сирларини ипидан игнасигача ўргатишга мажбур қилишган. Бунинг натижасида гуруҳ аъзолари кўплаб, айғоқчиларни қўлга туширишга муваффақ бўлишган».



АЙҒОҚЧИ КОТИБАЛАР

ҒДР айғоқчисининг хизматчиси Герхард Шулцнинг эсдаликларидан:

Хориж матбуоти материаллари асосида Қ.ТЎЛАБОЕВ тайёрлади

"ИККИНЧИ НОН"НИНГ ТАРИХИ

Картошканинг эл орасида иккинчи нон деган номи ҳам бор. Албатта, бу неъмат таркибидаги озуқа моддалари ўзининг тўқтутарлиги билан нондан қолишмайди. Унда 18 фоиз крахмал, 2 фоиз оқсил, 1 фоиз шакар моддаси ва бир қанча витаминлар мавжуд.

Келинг, яхшиси, унинг келиб чиқиш тарихи билан танишиб кўрамиз. Иккинчи нонинг асл ватани Чили ва Перу бўлиб, у тоғ ёнбағирларида ўстирилган. Унинг номи маҳаллий тил билан айтганда «Паппа» дейилган. Картошка кўп ҳолларда бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ёввойи ўсимлик сифатида ўтиб юрган. Жанубий Американи қамал қилган испанияликлар картошкани дастлаб 1536 йилда Европага олиб келадилар. Картошка Италияга етиб келганда унинг номини"тартуфоли"деб аташган. Бу ноёб ўсимлик Францияга етганида эса «Пом де терр», яъни ер олмаси деган ном олган. Картошканинг қимматли озуқа эканини дастлаб доришунос олим Парманте пайқаган. У картошка ҳақида кўплаб китоблар ёзди. Ундан кўплаб таомлар тайёрлаш мумкинлигини исботлади.

Парманте бир куни гуллаган картошка кўчатини кўтариб қиролнинг ҳузурига борди. Мақсади эса қиролга картошканинг афзалликларини тушунтириб, уни қишлоқ хўжалик экинлари қаторига қўшиш эди. Аммо қирол унинг сўзларига қулоқ солмайди. Картошка кўчатидан бир дона гулни узиб олади-да, жуда гўзал экан, деб чаккасига тақиб олади. Шу ҳодиса сабаб бўлиб картошка Францияда озуқа маҳсулоти сифатида эмас, декоратив гул сифатида тувакларда, гулхоналарда ўстирила бошланди. Саройдаги аъёнлар соат чўнтакларига доим картошка гулини тақиб юришни одат қиладилар.

Олим бу ҳолатдан тушкунликка тушмади. Аксинча, дуч келган экин майдонларига картошкани экиб кетаверди. Бир куни унинг экинини яксон қилиш мақсадида деҳқонлар картошка кўчатларини юлиб, ўтга ташладилар. Туни билан пояси куйиб, илдиз тугунчалари қўрда пишиб қолган картошкани эрталаб бир чўпон татиб кўради-да, "ҳай-ҳай, ер олмасини емабсиз, дунёга келмабсиз", деб жар солади. Шу воқеадан сўнг картошка мамлакатнинг барча ҳудудларида экила бошлади. Россияга дастлаб бир қоп картошкани Голландиядан туриб император Пётр I жўнатган эди. Эндиликда картошка экилмаган мамлакатнинг ўзи йўқ.

М.РАҲМАТОВ тайёрлади

Халқаро воқеалар

ЖОРЖ БУШГА ИМПИЧМЕНТ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИМИ?



АҚШ Сенати Ироқ бўйича Оқ уйдан ҳар ой ҳисобот беришни талаб қилди. Шунингдек, сенаторлар Ирокдан АҚШ ҳарбийларини зудлик билан олиб чиқиб кетишга овоз беришди.

Кўзга кўринган сенатор-демократ Жозеф Байден агар Ирокдаги ҳолат ижобий томонга ўзгармаса, американликлар 2006 йилда бу мамлакатдан кетиши зарурлигини маълум қилди. У Ирокда юз бераётган ҳолатни «Жорж Буш маъмурияти олиб бораётган сиёсатнинг тўлиқ инқирози», дея баҳолаган.

Шунингдек, сенатор ироқликлар жамиятда бир-бирига қарши турган кучларни бирлаштириш учун ягона конституция ишлаб чиқиш зарурлигини ҳам алоҳида таъкидлаган.

АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс ҳам Ирокда юзага келган вазиятнинг оғирлигини тан олган.

Жон Хопкинс университети мутахассислари тайёрлаган маърузада Ирокда шу кунгача тахминан 100 минг тинч аҳоли вакиллари вафот этганлиги ва уларнинг аксарини аёллар ва болалар ташкил қилганлиги айтилади. Пентагон тарқатган расмий маълумотларда айтилишича, 2005 йилнинг декабр ҳолатига кўра, Ирокда жами бўлиб 2125 нафар америкалик ҳарбий хизматчилар нобуд бўлган. Ирокдаги жанглар АҚШга ҳар ойга 6,5 миллиард долларга тушмоқда.

«РИА-Новости» ахборот агентлиги эса Жон Кониерс ва яна 27 нафар конгрессмен имзоси билан президент Жорж Бушга импичмент эълон қилиш ҳақида резолюция лойиҳаси конгресс муҳокамасига киритилганлиги ҳақида хабар беради. Хабарда айтилишича, бу резолюция асосида Буш маъмуриятининг американликлар телефон қўнғироқларини махфий равишда эшитиш программаси ётибди.

ИРОҚДА ПОРТЛАШЛАР НАТИЖАСИДА 46 КИШИ ВАФОТ ЭТДИ

Якшанба куни Бағдоднинг Мадинат ас-Садр туманида бир қатор портлашлар юз берди. Маълумотларга қараганда, асосан шиалар яшайдиган бу мавзеда 6 та автомобил портлатиб юборилган, теракт-лар натижасида 46 киши вафот этган, 204 киши жароҳат олган.

«Итар-тасс» ахборот агентлиги тарқатган хабарларда айтилишича, бу теракт-лар шу кунларда Ироқнинг шиа, сунний ва курд мазҳаблари вакиллари ҳукумат таркибини аниқлаш борасида музокара олиб бораётган пайтда содир этилган.

Теракт-лар маҳаллий аҳоли ўртасида оммавий норозиликларга сабаб бўлган. Одамлар кўчага чиқиб, ҳукуматдан хавфсизликни таъминлашни талаб қилишган.

ФРАНЦИЯДА ТЎҚНАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Парижда душанба куни ҳам полиция ва талабалар ўртасидаги тўқнашувлар давом этди.

Тўқнашувлар Париж марказида жойлашган Сарбонна университети ва унинг рўпарасидаги College de France олийгоҳлари ҳудудида юз берди, дейилади тарқатилган хабарларда.

Эслатиб ўтамиз, Франциянинг кўпгина шаҳарларида давом этаётган талабалар норозилик намойишларининг келиб чиқишига меҳнат шартномасининг янги турининг жорий этилиши сабаб бўлган. Унга кўра, 26 ёшгача бўлган ходимлар иш берувчи томонидан тушунтиришсиз бўшатиб юборилиши мумкин.

Ҳозирга қадар Францияда 35 та университет ва факультетлар намойишчилар томонидан эгалланган. Бир қатор йирик олийгоҳлар, жумладан, Тулуза, Бордо, Туре ва Нантер университетлари раҳбарияти талабалар томонида туриб, ҳукуматдан бу тур меҳнат шартномаларини бекор қилишни талаб қилишган.

Воқеаларнинг бундай ривожланиши мамлакат Бош вазири Доминик де Вилпеннинг 12 март куни телевидение орқали тўғридан-тўғри қилган мурожаати кутилган натижасини бермаганлигини кўрсатади.

«Итар-тасс» ахборот агентлигининг хабар беришича, Франциянинг оппозицион социал партияси етакчиларидан бири, собиқ министр Жак Ланг мамлакатда юзага келган ижтимоий инқироз муносабати билан парламентни тарқатиб юбориш таклифи билан чиққан.

МИЛОШЕВИЧ ЎЛИМИ: ЯНГИ САВОЛЛАР ТУҒИЛМОҚДА

«Россия собиқ Югославия президенти Слободан Милошевичнинг ўлими сабабларини аниқлаш юзасидан ўтказилган экспертиза хулосаларига ишонмаслик ҳуқуқига эга», маълум қилди РФ Ташқи ишлар вазири Сергей Лавров.

Сергей Лавров Милошевичнинг Москвада даволаниши ҳақидаги илтимосини рад этиб, Гаага трибунали Россияга ишончсизлик билдирганлигини маълум қилди. Министрнинг сўзларига қараганда, ўз навбатида, Россия ҳам экспертиза хулосаларига ишонмаслик ҳуқуқига эга ва шунинг учун Москва Гаагадан Милошевич танасини текшириш жараёнларида россиялик мутахассисларнинг иштирок этишига рухсат беришини сўради.

Эслатиб ўтамиз, Слободан Милошевич 11 март куни қамоқхона камерасида ўлик ҳолда топилган. Гаага трибунали расмий вакили Александра Милинованинг маълум қилишича, экс-президентининг ўлимига инфаркт сабаб бўлган. Аммо тарқатилган охирги маълумотларда Милошевичнинг қонидан организм фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи бегона моддалар топилганлиги айтилмоқда.

Россия Ташқи ишлар вазири, шунингдек, Слободан Милошевич ўлимидан олдин РФ ТИВ номига хат ёзганлигини ва у 12 мартда олинганлигини ҳам маълум қилган. «Хатда трибунал шифокорларининг айрим даволаш усуллари унинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётганлиги хусусида хавотир билдирилган», — деган Сергей Лавров.

Интернет хабарлари асосида Али БОЙ тайёрлади

Газетамизнинг навбатдаги сони 21 мартда чиқади.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Milliy tiklanish — миллат кўзгуси
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Таҳрир ҳайъати

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80,
реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 523.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2117
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00